

Аудиторлик хулоса

01 март 2016 й

№ 20/1

Фаргона ш

Масъуляти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1997 йил 12 мартдаги 335-сон билан рўйхатга олинган ҳамда Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 25 февралда берилган АФ № 00327-сонли Лицензия асосида фаолият кўрсатади.

Ташкилот ҳисоб-рақами 2020 8000 1009 2188 6001

ХАБ "ТРАСТ БАНК" Фаргона МФО: 01123

СТИР: 202216926 Оконх 84400 Тел: +95 400 80 13

Манзили: Фаргона ш Б Маргилоний кўчаси 147-уй.

Биз масъуляти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти раҳбари бош аудитори САР Ботиров М Х (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган 2012 йил 25 августдаги № 05052 -сонли Аудитор малака сертификати) «BAG'DODDONMAHSUOTLARI» акциядорлик жамиятининг 2015 йил 1 январдан – 2015 йил 31 декабригача қадар бўлган давр учун молиявий ҳисоботини текширдик.

Аудиторлик текширувида ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти эса мазкур молиявий ҳисобот бўйича берилган ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолияти миллий андоза (АФМА)ларга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг конун ҳужжатларига, шунингдек молиявий хўжалик фаолиятининг хақиқий ҳолатини мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви аудиторлик фикрини ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «BAG'DODDONMAHSUOTLARI» акциядорлик жамиятининг 2015 йил молиявий ҳисоботи, унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ҳамда мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби конун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Масъуляти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти раҳбари
бош аудитор САР



Ботиров М.Х

Молия Вазирлигининг 2012 йил 25 августдаги
05052-сонли Аудитор малака сертификати